



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 1 февраль,
№11 (978)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

Бунёдкорлик ҳар гузар ва маҳаллада намоён

Бугун Наманганга яқин уч-тўрт йил ичида йўли тушмаган одам таширф буюрса, танимасдан, ҳайратда қолиши табиий. Боси, ўтган ана шу қисқа вақт мобайнида вилоятнинг, айниқса, унинг маъмурий маркази бўлган Наманган шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгарди.

■ **Фарҳод ҚОДИРОВ**
«Mahalla»

Кенг ва раво йўллар, замонавий дизайндоги бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектларию совдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари кўзингизни қувнатади. Энг муҳими, бундай ободлик вилоятнинг туманларида ҳам акс этиб турибди. Айниқса, қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги тураржойлар ҳудуд чиройини очиш билан бирга аҳолига шаҳардагидан қолишмайдиган шароитларни ҳам тақдир этмоқда.

Кейинги йилларда Тўрақўрғон туманидаги Янги Аҳсикент, Наманган туманидаги Хонобод, Поғдаги Санг, Ўйчи туманидаги Жийдақапа, Ўнҳаят каби қишлоқларда янги бунёд этилган уйларда яшаётганларнинг хурсандчиликлари бир олам. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ке-

йинги уч йил давомида вилоятда 72 та массив барпо қилинди. Айни вақтда ушбу доҳалар ҳудудиди 25 километрдан зиёд узунликда йўллар қурилиб, электр, табиий газ, тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди.

— Фойдаланишга топширилган массивларнинг борчасида замонавий гузарлар, совдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари, ишлаб чиқариш цехларидан тортиб, ҳаммомгача бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Шўхратжон Кенжаев. — Кўпчилигида қишлоқ врачлик пункти, бошланғич мактаблар ҳам ишга туширилган. Жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тошаббуси билан ушбу аҳоли яшаш манзилларида бу каби қўлайликлар янада кенгайтирилмоқда. Ўтган йил давомида бир қатор массивларда намунавий лойиҳа бўйича маиший хизмат кўрсатиш марказлари қуриб битказилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан янгидан-янги қорхона ва цехлар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилляпти.



«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Тадбиркорга ҳам таянч, ҳам кўмакчи

«Шойимбек» маҳалла фуқаролар йиғини Фарғона вилоятининг Фурқат туманида тадбиркор ва ишбилармонлар кўним топган ажиб гўша сифатида эътироф этилади. Бу бежиз эмас, албатта.

■ **Расул КАМОЛ**
«Mahalla»

Истиқлол йилларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий имкониятларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳоли бандлиги таъминланиб, турмуш фаровонлиги янада юксалаётди.

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг 17-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хўнарандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида «Маслаҳат марказлари»ни ташкил этиш кўрсатиб ўтилгани эътиборлидир, — дейди йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раиси Рустам Мелибоев. — Йиғинимизнинг «Маслаҳат маркази» аъзолари маҳалла аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор топан тадбиркор ва ишбилармонлар, ибратли оила ва-

қилларидан таркиб топган. Ўтган йилнинг ўзида 50 нафардан зиёд ишбилармоннинг ўз бизнесини бошлашига қўмаклашдик, 20 дан ортиқ хондонда оилавий тадбиркорлик йўлга қўйилди. Жумладан, «Рўзиматжон ота», «Мафтунабону орзу» масъулияти чекланган жамиятлари, «Шойимбек Текс» кичик қорхонаси мажбурий маркази ёрдамида иш бошланди. Ўтган қисқа вақт мобайнида «Шойимбек Текс» кичик қорхонаси банкдан 50 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини кенгайтириш ҳисобига яна 15 нафар ёш меҳнатга жалб этилди. Ўз оилавий бизнес-



БОЛАЛАР СПОРТИ



Соғлом фарзанд порлоқ истиқболдан дарак

Юртимизда спортга берилётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ва кўрсатилаётган гамхўрликлар замирида соғлом авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

■ **Нилуфар ЮНУСОВА**
«Mahalla»

Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғирмаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз: «2014 йилни мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалаларга янги қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чўқур жой олган, эзгу даъватга айлиниб бораётган широрни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, соғлом бола — аввало соғлом ва ақил оиланинг мевасидир. Спорт ана

шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шугулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тинч бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади», дея таъкидлаб ўтдилар.

Бугун яратилаётган шароитлар тўғрисида спортчиларимиз жаҳон ареналарида яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Кўни кеча Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осий чемпионатида иккита олтин, тўрт кумуш ва иккита бронза, жами саккизта медаль жамғирган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умум-

жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Айни пайтда пойтахтимизда шахмат бўйича 8-16 ёшли шахматчилар ўртасида ўтказилаётган мамлакат чемпионати қизгин поллага кирди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида жойларда янги стадионлар барпо этилди, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳокимлар тайёрлаш ишларини яхшилашга эътибор янада кучайди.

> [4]

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

Ҳушёрлик — касалликка қарши курашишнинг асосий шарт

Қишининг совуқ кунларида грип ва ўткир респиратор инфекцияли касалликлар билан хасталаниш кўрсаткичи бирмунча ошади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, шу кунларда сайёрамиз аҳолиси орасида мавсумий гриппнинг А(H1N1) штамми кенг тарқалмоқда.

■ **ЎЗА МУХБИРИ**
Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди.

Мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ҳам мавсумий грип билан касалла-

ниш учраб турибди. Бундай беморларга ўз вақтида самарали тиббий ёрдам кўрсатиш баробарида ушбу касалликнинг эпидемик тусда тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика грип миллий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Равшан РАҲИМОВ бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини асраш, санитария-эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли иш-

лар натижасида мамлакатимизда эпидемиологик вазият барқарорлиги таъминланмоқда. Шу кунларда бутун дунё миқёсида мавсумий грип бўйича юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ишлар янада қучайтириляпти.

Грипп юқумли вирусли касаллик бўлиб, об-ҳавонинг ўзгариши билан кўзгалиш ва тез тарқалиш хусусиятига эга. Бу хасталик асосан ҳаво томчи йўли билан юқади.

> [3]

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ФАВФОСИ

Жонли мулоқот ва таъсирчан тарғибот самараси

Машхура бир танишининг гапига кириб, чет элга жўнади. Яқинларининг қаршичилиги, насиҳатлар унга қор қилмади. «Сердармад иш, шохона ҳаёт»ни кўмсаб, ширин орзу қилган аёл келажакда ўзини нималар кутаяётганини билмасди. Хайёллари чиппақка чиққандагина у афсусланди, қадрдон юртини, меҳрибон юртдошларини эслаб юрак-бағри эзилди.

■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Олдинга ҳўрланган аёл қурилишининг оғир ишларини бажаришга жон-жон деб рози бўлди. Чунки унинг

учун турли ҳўрликлардан кўра бетон қоринг минг чандон афзал эди. Фалокат оёқ остида, дейишгани рост экан. Бир кун у бехосдан қулаган устуннинг тагида қолиб кетди. Чалажон аёлни аранг кутқаришди. Ноқонуний меҳнат муҳожир бўлгани боис

ишляётган ташкилоти аёлга ёрдам беришдан бош тортди. Беғона элларда пулсиз, бирор хамдардсиз қийналган Машхура тегишли идоралар ёрдамида юртимизга келган бўлса-да, шифорлар унга ёрдам беришга кеч бўлганини, оёқларини тезда кеч-сиш лозимлигини таъкидлашди. Навқирон ёшли жувон бугун ноғирлик аравачасига миҳланиб қолган. Сўнги пушаймон эса, борган сари уни ўз ёғида қовуради...

Афсуски, орамизда одамфуршлар мақрига учиб, қўлиқ балосига гирифторм бўляётганлар

ҳамон учраб турибди. Юртимизда бу жирканч жиноятга қарши тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, аҳолининг оғохлиги таъминланаётди. Айниқса, унга қарши курашда маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб бориляётган жонли мулоқотлар, таъсирчан тарғибот усуллари кишилар онгу тафаккурида «маънавий иммунитет» ҳосил қилаётди. Бунда Фонд ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириляётган ишларнинг ҳам аҳамияти катта.

> [2]

БОЛАЛАР СПОРТИ

Соғлом фарзанд порлоқ истиқболдан дарак



Мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни янада ривожлантириш, халқаро майдонларда Ватанимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилишга қодир, ўзбек футболнинг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, ёшлар ўртасида футболга бўлган қизиқиш кундан-кун ортиб бораё-

анжомлари ва майдонлари хавосга арзғулик. Ушбу масканда 600 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг 12 тури билан мунтазам машғулдир. Уларнинг 230 нафарини бадий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар ташкил этади. Футбол тўғрисида эса юз нафарга яқин бола қатнашади. Уларга маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шерматов мураббий ҳисобланади. Шу боис уни маҳаллодошлари «футболчи раис» деб аташади. Б.Шерматов бутун умрини спортга бағишлаган. Республика етакчи футбол жамоаларида тўп сурган, 25 йилдан буён эса ёшларга мураббийлик қилиб келмоқда. Унлаб шогирдлари турли жамоаларнинг маҳоратли ўйинчиларига айланиб улгурган.

Шунингдек, ҳудуддаги 256-, 248-, 120-, 279-умумтаълим мактабларида ҳам спорт тўғрисида мавжуд. Хуллас, ҳудудда дарсдан сўнг буш юрган боланинг ўзи йўқ. Барчаси спортга жалб этилган. Шунинг учун болалар ўртасида касалликлар кўрсаткичи анча паст. Утган йилда эса ўсмирлар ўртасида умуман жиноят қайд этилмади. Муваффақият тумани «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам спортга эътибор катта. Маҳалла ҳудудида 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жойлашган бўлиб, ундаги шорт-шоуритлар, замонавий спорт

< [1]

ЯХШИЛАР КЎМАГИДА

Қалбдан қалбга кўчаверсин меҳр офтоби

Ўлмасхон опа дардга чидамли аёл. Неча йилдирки оёқ-қўллари зирқираб оғрива ҳам ёлғиз қизига сездирмайдди. Айтгани билан...

Абдулмулал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Онаизор касалини эмас, мана шу кўзининг оқу қорасини ўйлаб, кўпроқ эзлади. Мендан кейин унга ким меҳр кўрсатади, ким бошига соябон бўлади? У шу ўйлар билан андармон ётганида кўшниси Одинахон қўлида бир коса таом кўтариб кирди. — Овора бўлибсиз кўшни, Ферузанинг ҳозиргина аччиқ мастова пиширган эди, — деди Ўлмасхон опа кўз ёшларини яшириб. — Кўшнинг таоми минг дардга шифо, — деди аёл овқатни дастурхонга қўйиб. — Қани озгина татиб кўринг. Мана бу бошқа гап. Ҳа, айтмоқчи, янгиликни эшитинг. Кеча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг раиси Шухратбек Абдуқодиров маҳалла фуқаролар йиғинида йиғилиш ўтказибди. Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар билан айтинглор, қарашворамиз дебди. Сиз ҳақингизда ҳам айтдим. — Йўғ-э, мен қандай қаромат кўрсатибман-ки... — Ундай деманг. Соғ-саломатлик чоғингизда Улуғнорнинг ободонлиги учун анча тер тўқансиз, меҳнат қилгансиз. Теримчиларнинг олди бўлиб, пахта терганларингиз ҳақида айтдим. Хуллас, эртага олдингизга меҳмонлар келишади. Сиз ташвиш тортманг, уларни Феруза иккаламиз кўтиб оламиз. — Раҳмат сизга, Одинахон. Одамлар бежизга ховли олма, кўшни ол, дейишмас экан-да. Чиндан ҳам эртаси куни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Улуғнор тумани бўлинмаси раиси хамроҳлигида «Шаҳриобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исқожон Алиматов, масъул котиб Рустам Мирзаалиев ҳамда маслаҳатчи Муаззамхон Коримовга кириб келди. Шу ернинг ўзида 11 гуруҳ ноширони Ўлмасхон Ҳайитовага туман марказий шифохонасида даволаниш учун йўланма берилди. Дори-дармонлар учун ҳам маб-

лағ ажратилди. Ородан ўн кун ўтиб, Ўлмасхон Ҳайитова шифокорларнинг сазй-ҳаракатлари билан оёққа турди. У уйига кириб келганида кўшниси Одинахон қизи билан биргаликда ҳаммаёқни чиннидай сугуриб-тозаллаб, худди азиз меҳмонни кутгандай тайёргарлик кўришганди. Олган муолажалар ва атрофдаги одамларнинг ғам-хўрлиги худди меҳр офтоби каби Ўлмасхон опанинг кайфиятини кўтариб юборди. Қизи Феруза уни маҳкам бағрига босаркан: — Аяжон, маҳалла фаоллари ёрдамида пахта заводи қошидаги пиллахонога компьютер операторлигига ишга жойлашдим, — деди. Бу хушхабарни эшитиб, Ўлмасхон опанинг кўзларида севиноч ёшлари порлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ноҳар ва кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват ҳамда саховат кўрсатиш Фондининг хайрли вазифаларидан бирига айланган. Чунки бошига иш тушган инсонга ёрдам қўлини қўйиш озолий қадриятларимиздан. Утган йилнинг ўзида биргина «Шаҳриобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар учун салкам беш миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 та уйдан 8 таси ҳомиёлар кучи билан, 3 таси маҳалла фуқаролар йиғинининг ички имконияти даражасида таъмирланди. Бу ишларда туман солиқ инспекцияси, «Асака-2» пахта тозалаш заводи, «Агробанк» бўлими, озуқа ем шохбчаси каби муассаса ва ташкилотлар фаол қатнашди. Шунингдек, фуқаролар йиғини туман марказидаги 7 та кўчани ободонлаштириш бўйича ташаббус билан чиқди. Қ.Нажмидинова, И.Юнусов каби 11 гуруҳ ноширонлари, Ж.Соёипова сингари серфарзанд оилалар ҳаммаи Фонд ва маҳалла фуқаролар йиғинининг фаоллари диққат-эътиборида. Ҳа, чиндан ҳам кадр, меҳр, яхшилик ҳеч қачон ўлмайди. Аксинча, у инсоният учун сув ва ҳаводек зарур, ҳаёт манбаи сифатида қалбдан қалбга кўчаверди.

ОИЛА КУТУБХОНАСИ

Чет тилини кимдан ва қандай ўрганишга?



Бугунги кунда чет тилларини ўрганиш ва ўрнатиш замон талабига мос равишда шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ўрганиш жуда муҳим.

Шукур ЖАББОР «Mahalla»

Ўз фанини чуқур биладиган, изланувчан, тажрибали ўқитувчиларнинг билим даражаси юқори бўлиши ҳаммага бирдек маълум. Демак, айна пайтда нафақат кадрлар сонига, балки сифатига ҳам талаб ошди. Маҳалла болаларига инглиз тилини ўргатиш келатган йилги тумани Гафрат кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Фахриддин Раҳматовнинг бу бордаги тажрибаси бошқача. — Яқинда инглиз тили грамматикаси мутахассиси Раймонда Мер-

фи ёзган «Essential Grammar in Use» китобини ўзбекчалаштирдим. Маълумки, инглиз ва ўзбек тилларида гап тузилиши бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу, ўз навбатида, тил ўрганувчиларга бирмунча қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, асосий қисмини ўзлаштириш ва таржима машқларини бажариш осон бўлсин, деган мақсадда таржима китобининг кириш қисмига инглиз ва ўзбек тиллардаги гап тузилишларининг ҳеч бир қоида ёки таърифларсиз, имкон қадар энг содда услубдаги намуналарини беришга ҳаракат қилдим. Ҳозирги кунда чет тилини ўрганиш ва ўргатиш борасида ҳам

жуда эътиборли ва ҳушёр бўлишимиз керак. Чунки шу мақсаддаги турли қўлланмалар воситасида мўайян ғоразли таълимотларга асосланган адабиётлар ҳам кириб келиши мумкин. Яқинда шундай китоблардан бири менинг қўлимга тушиб қолганди. Ўқиб кўрсам, умуман миллий руҳиятимизга, маънавиятимизга зид гоёлар илгари сурилган. Масалан, «Анови кампир йиқилди», «Анови кампирни йиқитди», «Ким йиқитди?», «Йиқитдингми?», «Бу чўчка кимники?» каби ахлоқ-одоб, миллий маданиятимизга зид иборалар ва уларнинг таржимасидан иборат экан. Шунинг учун четдан кириб келатган китоблар, очилоётган ўқув марказлари иш назоратга олинса, фойдадан холи бўлмайди. Мақоламиз қаҳрамони айтганидек, бугунги глобализм доврида масаланинг бу жиҳатини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз керак. Президентимиз Ислам Каримов «Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» номили асарларида таъкидлаганларидек, баъзан беозор бўлиб туюладиган муҳика, оддийгина мультфильм ёки режиссураси орқали ҳам маълум бир мафқурага мақсадлар ва интилишларни ифодаланади. Шундай экан, ёшларда сезги, идрок, хотира, фикрлаш, фантазия каби руҳий жараёнлар, ҳарактер фазилатлари болаликдан шаклланишини унутмаслигимиз лозим.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМ

Кашандалар камаймоқда

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, айна пайтда Ўзбекистонда тамакки истеъмолчилари сони эркаклар орасида 22, аёллар орасида 3 фоизни ташкил этади. Экспертлар фикрига кўра, бундай натижаларга эришишда ҳукумат томонидан қўрилоётган чоралар, ҳусусан, тамакки маҳсулотлари рекламасини буткул тақиқлаш, шунингдек, 2012 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тамаккига қарши кураш Халқаро конвенциясини ратификация қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Эслатиб ўтаимиз, 2011 йил 5 октябрда «Алкоголь ва тамакки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган бўлиб, бу асосда шу йўналишдаги муносабатлар тартибга солиб келинмоқда.

• Сигарет таркибида 196 хил зарарли модда мавжуд бўлиб, шундан 14 таси гиёҳвандликка алоқадор. • Кашандаларнинг 90 фоизидан ўпка саратони, 25 фоизидан турли юрак хасталиклари юзага келиши аниқланган. • Дунё бўйича ҳар ўн сонияда бир одам чекиш оқибатида вафот этмоқда.



Кемада юқумли касаллик

АҚШнинг «Royal Caribbean» компаниясига қарашли кемадаги 600 дан зиёд киши ччак инфекциясига чалинган.



АҚШ Касалликлар назорати ва профилактикаси марказига таъйиб «Reuters»нинг хабар беришича, 595 нафар йўловчи ҳамда 50 нафар экипаж аъзоси қайт қилиш ва ичбурғдан азият чеккан. «Explorer of the Seas» кемаси бортида жами 3050 на-

фар йўловчи, 1165 нафар экипаж аъзоси бўлган. Нью-Жерси штатидаги Бейон бандаргоҳидан йўлга чиққан улкан кема Кариб денгизидан сузиб ўтаётганида айрим кишиларда юқумли касаллик аломатлари сезилган. Кейинчалик уни юқтирганлар сони ошиб кетган. Кемага Виржин оролларида чикқан эпидемиологлар касаллик тиббий тилда норавирус деб аталадиган хасталик эканини таъкидлашмоқда. Бирок йўловчилар уни қандай юқтиргани аниқланмаган. Кема мўлжалдодидан икки кун олдин сафардан қайтди.

Ҳалокатнинг руҳиятдаги изи

Мутахассислар Японияда 2011 йилда содир бўлган цунами оқибатларини бошидан ўтказган ҳар тўртинчи болча ёшидаги бола руҳиятида муаммолар борлигини аниқлашган.



Тадқиқотга 178 нафар бола жалб этилди. 3-5 ёшдаги кичкинтойларнинг 25,9 фоизи бош айланishi, кўнгил айниши ва бош оғриғидан шикоят қилган. Айримларнинг худкида ташвишли ўзгаришлар бор. Болалар цунами туфай-

ли дўстларини, уйларини йўқотганлар, ота-оналаридан жудо бўлганлар, вайронлар ва деворларнинг сувда ҳаракатланишини кўрганлар. Агар уларга ҳозир кўмаклашилмаса, кейинчалик муаммо кескин тус олиши мумкин. Айниқса, фалокатдан жабрланган худудларда яшовчи болалар бошқаларга қараганда 3 марта кўпроқ руҳий модада муҳтож. Эслатиб ўтаимиз, 2011 йилда рўй берган цунами 18000 одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Минглаб кишилар атом электр станциясининг қисман ишдан чиқиши оқибатида нурланган.

Оқми, қора?

Испания шимоли-ғарбида жойлашган тоғдаги гордан топилган икки инсоннинг скелетни тадқиқотлари европаликлар кўк кўз, сариқ сочили ва баданни оқ бўлган, деган қарашнинг нотўғрилигини кўрсатди.



Салқин ва қоронги гордан бундан 7000 йил олдин

яшаб ўтган инсонларнинг қолдиқлари яхши сақланган. Улардан бирининг тишидан ДНК маълумотлари олиб ўрганилди. Барселона шаҳридаги Эволюция биология институти мутахассислари ўзларининг тадқиқотлари асосида Европада 7000 йил олдин яшаган, овчилик ва мевачева териб яшавчи одамларнинг бодани қора ва кўзлари кўк бўлган, деган хулосага келдилар.

Интернет материаллари асосида Ф.КОПРОН тайёрлади.

МУСОБАҚА

Ўсмирлар беллашди

Шу кунларда Сурхондарё вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ўсмирларнинг вақтини мазмунли ва фойдали ўтказишдан иборат.



Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ. Сурхондарё вилояти.

Ана шундай беллашулардан бири Термиз шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида уюштирилди. Унда худуддаги 23 та кўчадан эллик нафардан ортиқ ўсмир қатнашди. — Мусобақаларни худудимиздаги Термиз саннат ва транспорт касб-хунар коллежи ўйингоҳи ва спорт залида ўтказдик, — дейди маҳалла раиси Саидхон Абдузоиров. — Ўсмирлар футбол, волейбол, тош кўтариш баҳсларида фаол иштирок этишди. Айниқса, 15 ёшдан 19 ёшгача бўлганларнинг мусобақалари томошабинларда катта қизиқиш уюғотди. Ушбу турнига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Термиз шаҳар бўлими кўмаклашди. Шунингдек, «Гулистон», «Маърифат», «Турпоққўрғон», «Бўстон», «Бойнамлила» ва Фарход номдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам оммавий спорт мусобақалари кизгин тус олган.



ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ташаббус ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланади



Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида янги иш ўринлари ташкил этиши, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Даулет БИМУРАТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви масъул котиби.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар эзгу мақсад — халқимизнинг турмуш даражасини ва сифатини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу жараёнда, айниқса,

аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида эришилаётган муваффақиятлар диққатга созovor. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар ҳам шулар жумласидан. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» қонунининг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушундириш мақсадида йиғинларда ўқув-семинарлари, тарбият тадбирлари ўтказилди. Ушбу сайёҳароқатлар натижасида 66 на-

фар фуқаро оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Биргина 2013 йилда 28 та оилавий ва 358 та хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди ва 4700 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияларнинг фаол ёндашуви туфайли 120 нафар фуқарога бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун кредитлар ажратилишига кўмаклашилди. Шунингдек, банкнинг имтиёзли кредитлари асосида 140 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси ўз бизнесини ташкил қилди. Натижада 5300 нафардан зиёд ёш меҳнатга жалб этилди. Фонднинг бўлими ва ҳудудий бўлиналари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни келинаётди. Мавжуд муаммоларга ечим топилиб, соҳага оид тегишли маслаҳат ва кўникмалар берилмоқда. Хусусан, Эпиккальпа туманидаги «Сейлиб сейис» фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун банкдан 20 миллион сўм кредит олишга кўмаклашилди. Шунингдек, «Сўхроб зоҳид» хусусий корхонасига икки километри хомашлардан фойдаланган ҳолда гигиеник қоғоз, полиэтилен қувур ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун

150 миллион сўм, «Хусанбой муҳандис» деҳқон-фермер хўжалигига боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида 30 млн. сўм кредит олишга ёрдамлашилди. Бундан ташқари, йиғин фаолларининг маслаҳат ва кўрсатмалари билан 20 дан зиёд фуқаро ўз бизнес режасини рўйбга чиқарди. Қолаверса, кўпгина саноат корхоналари фаолият турини кенгайтди. Жумладан, Конлик туманидаги тадбиркор Аралбай Сарсенбаев «Мой жувоз» кичик корхонасини ишга тушириб, чорвачилик, балкичилик ва асарчиликни йўлга қўйди. Мийугул Бобониязова қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш боробарида банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан тўйхона, тикувчилик цехи, сарторашона очди. Бу билан 30 нафарга яқин ёшнинг бандлиги таъминланди. Қасаначилик ва миллий хўнаромчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда 401 та маҳаллада 509 нафар хўнаромчи фаолият кўрсатяпти. 1438 нафар хотин-қиз қасаначилик асосида меҳнат қилмоқда. 2013 йилда Фонд бўлими ва фуқаролар йиғинлари ташаббуси ҳолда амалий кўмағида 107 та хўнаромчилик устaxonасини тизилди. Уларда мингдан ортиқ ёшлар «устоз-шогирд» йўналишида хўнаромчилик, маҳоратларини оширишга эришди.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

Бунёдкорлик ҳар гузар ва маҳаллада намоён

< [1]

Ташкиллаш жоизки, бу каби тизимли ва кенг кўламли ишлар бинокорликка ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар фаолиятини кучайтириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайишида муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, бугунги кунда бу ишга вилоятдаги 75 та пудратчи ташкилот, 46 та пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи корхона жалб этилган бўлиб, улар тўла қувват билан фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари, бир қатор саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида қурилиш ашёлари ва жиҳозлар тайёрлашга кўмаклашиб, бунинг натижасида айни материаллар қурувчиларга арзон баҳоларда, узлуксиз етказиб берилаётди. Масалан, биноларни иситиш учун мўлжалланган маҳсулот қозонлар «Меҳмаш», сантехника жиҳозлари «Мусоффо полимер», ички ва ташқи коммуникация тизимида фойдаланиладиган полимер қувурлар эса «Эталон» каби кўп тармоқли корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Утган йили Наманган туманида пишиқ гишт тайёрловчи корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Зиё нур Моҳинабон» МЧЖ томонидан фойдаланишга топширилган ана шундай линиянинг сифатли маҳсулотлари ҳам намунавий лойиҳа асоси-

даги тураржой бинолари қурилишига ишлатилмоқда. — Майдаланган тош ва цементдан турли ўлчамдаги бетон блоklar қуямиз, — дейди Тўрақўрғон туманидаги Оқтош шаҳарчасида жойлашган 4-қишлоқ қурилиш комбинати масъулияти чеklangан жамияти раиси Исроилжон Фазлидинов. — Биргина ўтган йилнинг ўзига туманимизнинг Бурамаут қишлоғидаги 70 та, Чуст туманида 40 та, Мингбулак ва Поп туманларида 20 тадан тураржой бинолари қурилишига темир-бетон ашёлари билан ҳисса қўшилди. Бинокорлар пишиқ-пухта ашик ва пластик дерозаларни авваллари пойтахтдан келтиришарди. Утган йилдан бошлаб бу юмуш билан ҳам маҳаллий корхоналар шугулланыпти. Вилоят марказидаги «Қалиб пласт» хусусий корхонасида пластик ромлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Яқундан йилда 700 та уй-жойга унинг сифатли маҳсулотлари ўрнатилди. Янги тураржой даҳаларида барпо этилаётган ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Қисқаси, уй-жой бинолари қурилиши боробарида ички йўллар чиқариш, коммунал ва маиший хизматларни йўлга қўйиш ишлари ҳам биратўла ниҳоясига етказилаётди.

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВФОСИ

Жонли мулоқот ва таъсирчан тарғибот самараси

< [1]

Жумладан, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг 2013 йил 28 январдаги қарори билан «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси» ижроси юзасидан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамда бўлиналари томонидан қатор ишлар олиб борилаётди. Маҳаллалардаги бундай тадбирлар одам савдоси жиноятлари профилактикасини таъминлашга ва аҳоли хабардорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Фонднинг бу борада амалга ошираётган ишлари ушбу жиноятдан жабрланган фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, одам савдосига қарши курашувчи идоралар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тартибини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Обод турмуш йилида одам савдосидан жабрланган фуқароларни соғломлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлашнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳамкор ташкилотлар кўмағида йўлга қўйилди. Фонднинг мазкур илатта қарши курашга оид иш режасида Олий ва ўрта махсуд таълим вазирлиги билан ҳамкорликда фуқароларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мавжуд ички меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари, хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаган тоифалари учун қўлатилган иш ўринларини яратиш борасидаги фаолиятни мониторингдан ўтказишда кўмаклашиш ҳам назарда тутилган. Ўрта махсуд касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 211250 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиси бандлигини таъминлашга эришилди. — Аҳоли ўртасида, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни одамфуршлар исканжасидан соқлаш мақсадида 8603 та маҳаллада, 5500 та таълим муассасасида 13003 та давра сўхбати ва 32102 та учрашув, тарғибот тадбирлари ташкил этилди, — дейди Фонд республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Йил бўйи мунтазам уюштирилган тадбирларда 1585601 нафар киши, хусусан, 679569 нафар ёш йигит-қизнинг иштироки таъминлангани қутилган самараларни берди.

Яратилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, фарзандини илму ҳунарли этиш ўрнига унинг келажагини барбод қилаётганлар онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Фонд томонидан бу масала ҳам алоҳида эътиборга олинди, касб-хунар коллежларидаги ўқиниш ташлаб кетган 10575 нафар, турли сабабларга кўра чет давлатларга чиқиб кетган 3890 нафар ўқувчи аниқланди ҳамда таълимга қайтаришда тегишли ташкилотларга кўмаклашилди. Улардан 2445 нафарининг руҳий ҳолатидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш мақсадида улар билан 4574 та тушунтириш, 2943 та маънавий-ахлоқий ва тарбиявий сўхбатлар амалга оширилди. Жамоатчилик назоратининг қатъий ўрнатилгани эса, ёшларни бу балодан асрашда қўл келмоқда. Фуқаролар йи-

ҚАШҚАДАРЁ ТОМОНЛАРДА

Саъй-ҳаракат замон билан ҳамнафас



Бугунги кунда юртимизда фуқаролар йиғинларининг ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўз навбатида, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти.

■ Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қўллаб маҳаллаларнинг бинолари таъмирланиб, айримлари ўз тасарруфидоги гузарга эга бўлаётди. Умумхалқ ҳашаридан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимига тушган маблағларни манзили ва мақсадли сарфлаш бўйича тасдиқланган тақсимотга кўра, Обод турмуш йилида фуқаролар йиғини 103 та, Фонд бўлиналари 21 та компьютер жамланмаси топширилди. — Янгидан ташкил этилган маҳалламиз идорасида компьютер йўқлиги сабабли маълумотлар тайёрлашда қийналардик, — дейди Деҳқонobod туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоғаймурод Тожиёв. — Эндиликда фаолиятимиз бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш имкони тувилди. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳага оид ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, бир сўз билан айтганда, фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Изчил ислохотлардаги фаол иштирок

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, шу орқали аҳоли манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаровон яшашларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляётган бир пайтда, бу жараённинг муваффақиятли кечishi, шубҳасиз, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятининг изчиллигига бевосита боғлиқ.

■ Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Халқ ишонган кишилар депутатликка сайланади. Шу ўринда табиий савол туғилади. Ҳўш, сайловчилар ишончи оқланяптими? Ислохотлар жараёнида халқ вакилларининг иштироки қандай бўлмоқда? Келинг, бунга Термиз шаҳри «Гулистон» маҳалласи ҳудудидаги 29-Гулистон сайлов округидан шаҳар Кенгашига сайланган Бекмурод Ашуров фаолияти мисолида таҳлил қилиб кўрайлик. Биргина ўтган йилда депутат томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси бўйича ўнга яқин тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасида мутаассадилар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Масалан, шаҳар қазлаштириш корхонаси раҳбари «Гулистон», «Каттабоб», «Сурхон соҳили» маҳаллаларида газ таъминоти бўйича депутат олдида ҳисобот берди. Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, борча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги депутат дастурининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, «Гулистон» маҳалласида депутатлик қабулхонаси ташкил этилган. Турли мазмундаги мурожаатларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани аҳолининг сиёсий-хуқуқий билими юксалаётганидан дарак бўлса, уларнинг ақсарияти ижобий ечим топаётгани эса депутатлар фаолиятига ишончлини оширмоқда.

Аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш, уларга қонунчилигимизда белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб, хуқуқий ёрдам кўрсатишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Тадбиркор Шавкат Назаров ипотека кредити олишда баъзи муаммоларга дуч келаётгани ҳақида депутатга мурожаат қилганида масала ўрганилиб, «Халқ банк»нинг Термиз шаҳар бўлимига депутатлик сўрови чиқарилди. Натижада банк томонидан аризага 50 миллион сўм миқдорда ипотека кредити ажратилди. Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда мурожаатларни ўрганиш борасида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида кам таъминланган 18 та оилага 2 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Депутат шаҳарнинг «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи сайловчилари билан учрашувда аҳоли маҳалла гузарига барпо этиш ҳақида так-

Янги цех ишга тушди

Вилоятнинг Муборак туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида нон ва макарон ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади.

Украинадан келтирилган ускуналар ёрдамида кунига 500 килограммча макарон ва 1800 донагача нон тайёрлаш мумкин. Мазкур фаолият йўлга қўйилиши натижасида 4 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. «Расулжон Тўраев» хусусий корхонаси томонидан ишга туширилган ушбу цехда ҳозирги кунда 150 килограммча макарон ва 600 донагача нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. — Маҳалламизда яна 4 нафар тадбиркоримиз сарторашона, автотомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, гўзаллик салони очиб сарофасида, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зариф Кенжаев. — Улар ишга тушса, яна 10 та янги иш ўрни юзага келиши.



Маҳалла вазирининг ота-оналар йиғини

вожлантириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини кенг солаётганликда атрофдаги тушунтириш сайловчолар билан бўлиб ўтаётган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилмоқда. Яқинда шаҳардаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳудудда янги иш ўринлари ташкил этилиши, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш каби масалалар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳолининг сиёсий-хуқуқий билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мухтасар айтганда, депутат фаолияти яна мақсад — фуқаролар ҳақ-хуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishларини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Ижтимоий ҳимоя — аниқ ва манзилли



Гулистон шаҳридаги Усмон Юсупов номи маҳаллага 3-мавзе 48-уй 27-хонадонда истиқомат қилувчи Карима Ашурова номидан моддий ёрдам сўралган ариза келиб тушди.

Ижтимоий Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзолари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг Намунавий низомида белгиланган вазифалар бундай кўмакни аниқ манзилли ва мақсадли бўлишини таъминламоқда.

— Ушбу низоми ижтимоий ёрдам тайинлашда адолат нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этиши билан бирга, боқимондалик иллатига ҳам барҳам бермоқда, — дейди Гулистон шаҳридаги Усмон Юсупов номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилноза Юсупова. — У асосда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ко-

миссия низоми ишлаб чиқилиб, фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланди. Комиссия таркибига, асосан, фаол, ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролардан, шунингдек, туман бандлик-ка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази ҳамда солиқ инспекцияси вакиллари киритдик. Комиссия аъзолари ўртасида вазифалар тақсими ва иш режа тузилиб, унда ижтимоий адолатга қатъий риоя қилиш, боқимондалик иллатига барҳам бериш каби йўналишлар белгиланган.

Низомда, шунингдек, эҳтиёжманд фуқароларга ёрдамлашиш учун бошқа комиссияларни ҳам жалб этиш қўйд этилган. Шунга биноан моддий ёрдам сўраган фуқарони ишга жойлаштиришда йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масаллари бўйича комиссияси билан ҳамкорлик қилинади.

Айни пайтда комиссия аъзолари йиғинига шу йўналишда мурожаат қилаётган фуқароларга Низомнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича тушунчалар берилапти. Натижада моддий ёрдам ёки нафақа сўраётган фуқаролар сони кескин камаймоқда.

Айрим аризаларда ота-оналарнинг фарзанди олий ўқув юртида таҳсил олаётгани ва ўқув-шартнома пулларини тўлашда қийинчилик қолгани кўрсатилади. Бу борада ҳам йиғинда яхши тажриба тўлган: уларга ҳудуддаги саховатпеша тadbirkorlar бириктирилган ёки Фонднинг Гулистон шаҳар бўлини масга йўллана берилди.

Хуллас, 3935 нафар аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада ижтимоий соҳада олиб борилган тизимли ишлар натижасида кам таъминланган оилалар сони кескин камайди. Борлари ҳам тadbirkorlar кўмагида фойдали меҳнатга жалб этилиб, рўзгорларини бутлаб олишмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳушёрлик — касалликка қарши курашишнинг асосий шarti

< [1]



Грипп иммунитет паст, сурункали касалликлар билан хасталанганлар, кекса ёшдагилар, ҳомиладор аёллар ва болаларда оғирроқ кечиши мумкин. Шу боис бундай хасталик ўз вақтида аниқланиб доволанса, гриппдан кейинги асоратларнинг олдини олган бўлади.

Тиббиёт, таълим, мактабгача таълим муассасаларида кенг қамровли профилактика ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Гриппга қарши эмлаш тadbirkorlar белгиланган режа асосида ўтказилди. Мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж ва лицейларда эрталик тиббий таҳлил олиб борилгани, грипп оломатлари аниқланганларга шу ернинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Грипп билан хасталанган беморларга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шифохоналарда кўшимча ўринлар ва дори-дармон захиралари яратилди. Вирусология лабораторияларида тиббий таҳлил ишларини тез ва самарали амалга ошириш учун етарли миқдордаги диагностика ва тест-системалар мавжуд. Бирламчи тиббиёт масканлари, клиникалар, ихтисослашган шифо муассасалари, шовилинч тиббий ёрдам марказлари ва бошқа қатор шифохоналарнинг шифокорлари грипп эпидемиологияси, диагностика ва доволлаш усуллари бўйича малака оширди.

Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида соҳа олимлари ва мутахассислар оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар уюштирмоқда.

Гриппга қарши курашда ҳар бир инсон касалликнинг дастлабки белгиларини яхши билиши керак. Грипп юққанда инсонда бош ва мушаклар оғриги, иштаҳасизлик, ҳолсизлик, тумов, йўтал, хароратнинг ошиши, ич кетиши кўзатилади. Бундай ҳолларда зудлик билан ҳудуддаги оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктига қўнғироқ қилиб, шифокорни уйга чакориш тавсия этилади. Бугунги кунда барча бирламчи тиббиёт масканларида фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари ва оила шифокорлари бундай беморга бирламчи ёрдам кўрсатиш борасида қандайдир қўнғироқ қилиб, шифокорни уйга чакориш тавсия этилади. Клиникалар ва доволлаш муассасалари юқумли касалликлар билан хасталанган беморларни доволлаш учун зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, грипп билан касалланганда дори-дармондан ўз билганча фойдаланиш мақсадида мутофиқ эмас. Грипп билан хасталанган бемор, албатта, шифокорни чақириб, врач тавсияси ва назорати остида доволаниши лозим. Ҳозирги кунда шифокорлар бундай тавсияларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш мақсадида маҳаллалар, таълим масканларида мулоқотлар, учрашувлар ташкил этмоқда.

Грипп эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, олдини олиш ва доволлашда қўлланиладиган препаратларнинг шифобахшлигини ўрганиш гриппдан кейинги асоратларнинг олдини олишда муҳим омил саналади. Бу борада услубий тadbirkorlar ўз вақтида ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган бизнинг марказда илмий-амалий, услубий ишлар учун барча шароит яратилган.

Ҳозирги кунда Республика грипп миллий марказининг жойларда олти таянч пункти фаолият юритмоқда. Ушбу илмий-услубий марказларнинг борчаси тadbirkorlarни ўз вақтида самарали амалга ошириш учун зарур лаборатория ва диагностика воситалари билан таъминланган. Илмий изланишларни тажриба-синовдан ўтказишда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Вирусология илмий-текшириш институти, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё ва Биокимё институтлари билан йўлга қўйилган алоқалар яхши самара бераётди. Олимлар ва ёш

тadbirkorlarимиз бу борада тараққий этган мамлакатларда эришилган ютуқлар билан танишиш, юртимизда қўлга киритилган янгиликларни кенг тарғиб этиш мақсадида халқаро конференция ва илмий-амалий семинарларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мутахассислар касалликнинг олдини олиш ва курашнинг энг мақбул усули сифатида қатор тавсиялар ишлаб чиқиб, тарғиб этмоқда. Бунинг энг мақбул усулларида муҳим аҳамиятга эга. Шахсий гигиена қоидаларини доимо ёдда тутиш лозим. Иқлимга мос кийиниш, овқатланиш меъёри ва қондаларига тўла риоя этиш доимий этиборда бўлиши зарур.

Ўз саломатлигига эътиборли, жисмонан фаол, белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўтиб, унинг ҳулосаларига тўла амал қилган инсон ташки тавсияларга бардошли бўлади. Фақат ана шундай юксак тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш орқали ўзимизнинг ва келажак авлодларимизнинг саломатлигини ҳимоялашга эришамиз.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Тadbirkorlik ҳуқуқларининг кафолатлари

САВОЛ:
— Тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқлари қандай кафолатланади?

Муаттар КАМОЛОВА,
тadbirkor.
Чиноз тумани.

■ **Ойбек ҲАКИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ходими:

— Тadbirkorlik фаолияти негизини хусусий мулк ташкил қилади. Конституциямизнинг 53-моддасига кўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назорат тутилган ҳолларда, кимга тартибдоғина мулкдан маҳрум

этилиши мумкин. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига биноан хусусий мулк бўлган мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назорат тутилган ҳоллар бундан мустасно. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ, жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар,

мусодара қилинади. Юқоридagi Қонуннинг 23-моддасига асосан, хусусий мулк мунсабатларини тартибга солиш учун қонун ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юқлаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга эмас.

Шунингдек, «Тadbirkorlik фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам тadbirkorlik фаолиятининг бир қатор кафолатлари белгилаб қўйилган. Улар жумласига қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш (19-модда), ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш (21-модда), тadbirkorlik

фаолияти субъектларининг қимматли қоғозлар бозорига, хошмаш, товарлар ва хизматлар бозорларига кириши давлат органлари томонидан бирон-бир тарзда чекланишига йўл қўйилмаслиги (26-модда) каби кафолатлар кирди.

Қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларни ҳимоялаш тегишли судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида бу борада ҳам қўлайлик яратилганини айтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексига мувофиқ, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ҳўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Мижозлар ишончи — муваффақиятлар гарови

«Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни янада ривожлантириш, бандликни, хусусан, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини, жумладан, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

— 2013 йилда кичик бизнес субъектларини банкимиз маблағлари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ўсиши таъминланди. — дейди «Ҳамкорбанк» ОАТБнинг Кредитлаш департаменти директори Жасур ҲАСАНОВ. — Эътиборлиси, ажратилган маблағларнинг 66 фоизини узок муддатли кредитлар ташкил этди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан йўналтирилган кредитлар эвазига 7 минг 500 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Натижада бу борадаги кўрсаткич 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробарга ўси. Соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар эса 2012 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди.

Аёллар тadbirkorlikни ривожлантириш банкнинг устувор вазифаларидан. Айни мақсадлар учун банк маблағлари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратиш юзасидан белгиланган прогноз кўрсаткич 113 фоизга бажарилиб, 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсиши таъминланди.

Банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари

Ҳожинисо ТўЛАГАНОВА, тadbirkor:
— Юртимизда ишбилармонларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тadbirkorlar аёлларга ҳавас қилардим. Эндиликда ўзим ҳам улар сафиданман. «Ҳамкорбанк» ОАТБ Чиноз филиалининг имтиёзли кредити эвазига тивув машиналарни сотиб олиб, цех ташкил қилганман. Маҳсулотларимизга буюртмалар кўпайиб бораётганини сабабни жорий йилда банкдан яна кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтириш, туманимиз иқтисодийига муносиб ҳисса қўишини мақсад қилганман.



2014-yil 22-yanvarda

Moody's Investors Service
xalqaro reyting agentligi

«Asaka» davlat-aktsiyadorlik
tijorat banking
reytingini tasdiqladi

Barcha reytinglar istiqboli
«BARQAROR»